V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 1, 1978

ЭКРАН УСТАЛАРИ, ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИДА

СИЗГА МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 115 (3616)
СЕШАНБА
23 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун Ўзбекистон пойтахтида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V Халқаро кинофестивали очилади

«Марҳабо!» деймиз

Тошкентимиз халқаро анжуманлар шаҳри ҳамдир. Бу қувончли, албатта. Бултур икки улуғ қитъанинг ёш адиблари учрашуви бўлиб ўтган бўлса, мана бугун V Халқаро Тошкент кинофестивали тантанали равишда очилмоқда. Мана, ўн йилдирки, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент фестивали шаҳримизда анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Муҳими шундаки, фестивалда дунёнинг таниқли кино арбоблари учрашади. Бир-бирларининг асарлари билан танишади, фикр алмашади. Буюк қитъалардаги кино санъати, унинг йўналиши ва тараққиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Бу киноанжуманнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиор остида ўтаётганлигининг ўзи катта аҳамиятга молик. Биз — ёзувчилар ана шундай қутлуғ анжуманга ташриф буюраётган меҳмонларга қарата қўлимизни кўксимизга қўйиб: «Марҳабо!» деймиз.

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

Мақсадимиз муштарак

Марсела Фернандес ВИОЛАНТЕ.
Мексика, режиссёр

Ҳаммамизга маълумки, Совет Иттифоқи билан Мексика ўртасидаги алоқалар ўзининг яхши самараларини бермоқда. Ҳозирда мамлакатимиз президенти X. Лопес Портильо мамлакатингизда дўстлик сафари билан юрибди. У жаҳонда тинчлик ва дўстлик учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежнев билан учрашиб, икки мамлакат манфаатларига мос келадиган аҳамиятли ҳужжатни имзолашди.

Мексика киносанъаткорларининг Тошкентдаги уч қитъа кинофестивалига таклиф этилганлиги ана шу яхши муносабатларимизнинг ёркин бир қиррасидир.

Тошкент кинофестивалидан умидимиз катта. Дўстлар, ҳамкасблар ўртасида бўлиш, томошабинлар билан учрашиш ғоятда мароқлидир. Биз кинофестивалда Покистон, Ҳиндистон, Вьетнам, Эрон ва Африкадаги бир қатор мамлакатларнинг киносанъаткорлари олиб келган картиналарни кўриш, уларнинг ютуқларидан баҳра олиш ниятидамиз.

Мен шахсан ўзим совет киносанъатининг энг яхши картиналарини қизиқиш билан кўрганман. Айниқса, бу санъатнинг асосчилари Пудовкин, Довженколарнинг маҳоратидан ғоятда руҳланганман.

Биз кинофестивалга «Иш ташлаш» деган картинани олиб келдик. Унда 1906 йилда Мексиканинг конларидан бирида эзилган ишчиларнинг иш ташлаши, намойиши, норозилиги ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм тарихий мавзуда бўлиш билан бирга ўзининг аҳамиятини шу кунларда ҳам йўқотмаган. Ўйлайманки, бу картина ўзбек томошабинларига ва ҳамкасбларимизга манзур бўлади.

Шаҳрингиз мафтуниман

Хорхе ГЕРРА,
Боливия, режиссёр.

Серқуёш Совет Ўзбекистонининг пойтахтига биринчи марта келишим. Сафаримнинг дастлабки кунларидаёқ қадимий шаҳарнинг архитектураси ва унинг сўлим қиёфаси беихтиёр диққатимни ўзига жалб этди. Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида кўп эшитмаган бўлсам ҳам, лекин Самарқандни биламан. У ҳақда анча гаплар эшитганман. Бундан ташқари Совет Иттифоқининг Москва, Ленинград сингари шаҳарлари ўзининг маданияти, санъати, тараққиёти билан бизга яхши таниш.

Мен фестивалга олиб келган бадиий фильм «Эл эмбруко» деб аталади. У боливиялик ёш йигитнинг Парижга келиши ва у ерда француз қизи билан танишиб қолиб, уни ўз юртига сафарга олиб борганлиги, саёҳат давомида Боливиянинг шаҳарлари, маданияти, ёдгорликлари билан яқиндан таништирганлиги ҳикоя қилинади. Картинада икки ёшнинг энг яхши туйғулари, дўстлик муносабатлари акс эттирилган.

Тошкент фестивалида қатнашаётганлигим билан беҳад қувонаман. Унга катта қизиқиш билан қарамоқдаман. Бу халқаро санъат даврасининг ўзининг моҳияти билан, ўз олдига қўйган мақсади ва шиори билан фақат киносанъатимизнинг тараққиётигагина эмас, балки уч қитъа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Дўстлик шаҳрида кино байрами

К. С. ЭРГАШЕВ,
Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивали бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети раисининг ўринбосари.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон ўзбек диёрига яна санъат байрами ташриф буюрди. Бугун Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V Халқаро Тошкент кинофестивали очилади.

Кинематографчилар дастлабки марта Тошкентда учрашганларидан буён ўн йил ўтди. Шундан буён Тошкент киноанжуманининг доираси тобора кенгайиб бормоқда. Агар 1968 йилда ўтказилган биринчи фестивалга жаҳоннинг 49 мамлакатидан қатнашчи ва меҳмонлар ташриф буюришган бўлса, иккинчи, 1972 йилда бўлган кинофестивалда 62 мамлакатнинг кинорежиссёрлари иштирок этишди. Учинчи Халқаро Тошкент кинофестивалида 70 мамлакатнинг санъат намояндалари қатнашдилар. Бу сафарги анжуманда қатнашиш учун келган мамлакатлар вакилларининг доираси яна ҳам кенгроқ.

Бу рақамлар шуни яққол кўрсатиб турибдики, уч қитъа кино арбоблари учрашувларининг доираси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Республикамиз пойтахтида ўтказилаётган бу учрашувлар жаҳон кинематографиясининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшиляпти. Ҳозир Тошкент кинофестивалини ҳақли равишда ер юзидаги энг катта анжуман деб аташ мумкин.

Тошкент кинофестивалининг оммалашиб бораётганлигининг моҳияти нимада? Энг аввало ҳар бир илғор кино арбобининг қалбига яқин бўлган бу анжуман шиорининг моҳиятидадир, у «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деб номланади. Бундай шиор остидаги фестиваль Ленин ғоялари билан суғорилган мамлакатда, ҳақиқий интернационал дўстлик ва биродарлик руҳи тантана қилган мамлакатда, маънавий бойликларга катта аҳамият берилаётган мамлакатда ўтказилаётганлигининг маъноси бор. Бундай бўлиши табиийдир.

Кинофестивалларимизнинг асосий моҳияти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг киносанъатини оммалаштиришдан иборатдир. Бу нарсани ҳар бир кинематографист яхши тушунади. Айни пайтда Тошкент фестивали ривожланаётган мамлакатлар кинематографиясининг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, у халқларнинг тинчлик, эркинлик ва социал тараққиёт учун курашдаги дўстлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашга, катта таъсир кўрсатмоқда.

Ҳаммага маълумки, Тошкентда ўтказилаётган фестивалларда бошқалардан фарқли ўлароқ, конкурс бўлмайди. Худди шу нарса ёш кинематография, асосан, ривожланаётган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга. Фестивалнинг бу программаси ижодий тажрибаларни алмашиш ва бойитишга кенг имкон яратади. «Кинематографиянинг тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашдаги роли» темасида ўтказиладиган ижодий баҳслар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бундай баҳслар фестиваль кунларида кўплаб ўтказилади.

Тошкент фестивалида ирқчилик, зўравонлик, халқлар ўртасига нифоқ солувчи фильмларнинг қатнашмаслиги фестивалнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор бермоқ керак. У ҳам бўлса, Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг фестиваль қатнашчиларини очиқ кўнгиллилик, самимийлик, меҳмондўстлик билан кутиб олаётганликларидир. Шу май кунларида кўплаб самимий, ҳаяжонли учрашувлар ўтказилади. Уларни санаб чиқишнинг иложи йўқ. Фестивалнинг ташкилий комитети меҳмонларимизнинг самарали ишлашлари ва яхши дам олишлари учун лозим бўлган шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилди. Энг яхши кинотеатрлар, заллар, меҳмонхоналар фестиваль қатнашчиларининг ихтиёрида бўлади. Улар учун Тошкент бўйлаб ва Тошкент атрофидаги колхозлар бўйлаб экскурсиялар уюштириш белгиланган. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, театрларда, концерт залларида, шаҳримиздаги меҳнат коллективлари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Пойтахтимизнинг азиз меҳмонлари, саҳий Тошкентдаги ижодий ишларингиз самарали бўлсин!



Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари.

А. Герасимов фотоси.

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг қўли гул чеварлари ҳам шаҳримизга ташриф буюраётган фестиваль меҳмонларига атаб ажойиб эсдалик совғалари тайёрладилар.

Меҳмонлар эсдалик сифатида юксак маҳорат билан «Тошкент кинофестивали» деган сўзлар ёзилган сўзанани ўз юртларига жон деб олиб кетадилар. Бундан ташқари фабрика коллективи қўлидан чиққан дўппилар ва бошқа маҳсулотлар ҳам уларга жуда маъқул бўлади.

Корхона коллективи фестивалга атаб чиқарилган маҳсулотларни юксак дид ва маҳорат билан тайёрлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Мексика Қўшма Штатларининг Президенти Хосе Лопес Портильо ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Бокудан Новосибирскка келишди. Кеча Президент Новосибирск билан танишди, Академиклар шаҳарчасини бориб кўрди.

◆ АҚШ транспорт министрининг ўринбосари, доктор Жон Ж. Фирнсайд бошчилигидаги Америка Қўшма Штатлари мутахассисларининг делегацияси Ўзбекистон билан танишишни тамомлади.

Меҳмонлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида қабул қилинди, улар пойтахт метрополитенининг иши билан, Тошкентнинг хушманзара жойлари ва янги иморатлар қурилаётган районлари билан танишиб чиқдилар.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Яхши кайфият билан

Халқаро кинофестиваль яна меҳмондўст шаҳримизга ташриф буюрди. Жаҳоннинг турли мамлакат ва қитъаларидан —Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар келишди. Биз, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг карвонбошиси бўлган корхона ишчилари уларга «Хуш келибсиз, азиз дўстлар!»— деймиз.

«Ташсельмаш» меҳнаткашлари уч қитъа кино усталарининг анжумани Ўзбекистон пойтахтида — тинчлик ва дўстлик шаҳрида ўтаётганлиги билан фахрланадилар. Маданият арбобларига биз ҳам ўз ютуқларимизни намойиш эта оламиз. Чунки фақат сўнгги икки йилни олиб қараганда ҳам бизнинг ишчилар коллективимиз техника тараққиёти ва корхонани реконструкция қилиш йўлида олға катта қадам қўйди. Янги ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди, ишлаб чиқариш маданияти юксалди.

Шу кунларда заводнинг бош конвейер линиясидан икки қаторли «зангори кема»лар — Сифат белгисига сазовор бўлган 17ХВ-1,8Б машиналари тушаётганлиги кўп жиҳатдан диққатга сазовордир. Ушбу агрегатлар бундан икки ой муқаддам завод тарихида биринчи бўлиб фахрли беш қиррали белгига сазовор бўлди. Ўтган йили жаҳон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги практикасида биринчи марта ингичка толали пахта навларини йиғиш учун мўлжалланган пахта териш комбайнларидан мингтага яқини ишлаб чиқарилди. Шунинг учун ҳам биз кино байрамини яхши кайфият билан кутиб олмоқдамиз.

Ташсельмашликлар фестиваль қатнашчиларига ва меҳмонларига чин қалбдан «Хуш келибсиз!» дейишади.

Ҳусан ҲОШИМОВ,
«Ташсельмаш» заводи шестернялар цехининг токари, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати.

Чин қалбдан

Ҳозирги вақтда «Мен кинони яхши кўрмайман» дейдиган одамни топиш қийин бўлса керак. Улкан ишонтириш кучига эга бўлган санъат, инсоният илғор ғояларининг байроқдори — прогрессив кинематография кишиларни ғоявий-бадиий тарбиялашнинг энг таъсирчан воситаларидан бирига айланиб қолди.

Бундан аввалги Тошкент кинофестивалларида намойиш этилган кинофильмларни эслар экансан кинематографчиларнинг мазкур улкан анжумани йил сайин ғоявий жиҳатдан камолга етиб бораётганлигига, ривожланаётган мамлакатларнинг ёш экран усталарининг маҳорати ўсиб бораётганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласан.

Тошкентликлар бундай киноанжуманларнинг ўтказилишини ҳамиша самимий қутлайдилар. Дўстлик ва ўзаро ёрдам шиори остида ўтадиган кинофестиваль Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси учун яна бир ажойиб байрамдир.

Биз навбатдаги бешинчи халқаро кинофестивалнинг ўтишини диққат билан кузатиб борамиз. Ҳеч шубҳасиз, ушбу анжуманга тақдим этилган асарларнинг аксарияти томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Корхонамиз меҳнаткашлари кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига ер юзида тинчлик йўлидаги фаолиятларида чин қалбдан муваффақиятлар тилайдилар.

Н. МАРКОВ,
«Таштекстильмаш» заводининг токари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Барча байроқлар— меҳмонимиз

ТОНГГИ РЕПОРТАЖ

САМОЛЕТНИ кутяпмиз. У бироз кечикиб қолганлиги учун Тошкент аэропортининг халқаро залига тўпланганлар репродукторлардан унинг қачон қўниши ҳақидаги хабар эълон қилинишини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Халқаро зал фестиваль плакатлари ва стендлари билан безатилган. «Ўзбекфильм»нинг вакили З. Маъруфов кинофестиваль штабидан ана шу рейс билан кимлар келаётганлиги ҳақидаги сўнгги маълумотни ёзиб олаётир. Чет тиллар педагогика институти ва Тошкент Давлат университетининг таржимонлик қилаётган студентлари масъулиятли дамлар бошланаётганлигидан ҳаяжонланишмоқда.

Қўниш майдонида кумушранг қуш— Кобулдан келган самолёт пайдо бўлди. Шундай қилиб Тошкент V кинофестивалининг меҳмонлари ва қатнашчиларидан бир группаси шаҳримизга етиб келди. Афғонистон Демократик Республикаси ва Покистоннинг вакиллари — продюссерлар, актёрлар, сценаристлар ана шу рейс билан келишди. Уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари олиб борилаётганда меҳмонларнинг даврасида таниш чеҳраларни кўрдик. Яқиндагина мен шаҳримиз экранларида намойиш этилган «Бобби» ҳинд фильмини кўрган эдим. Ана шу фильмнинг бош қаҳрамони — қувноқ, табассумли Риши чамадони билан рўпарамизда турибди. Машҳур ҳинд киноарбоби Раж Капурнинг ўғли Риши Капур бўлади. Кутилмаганда бундай учрашув албатта журналистни қувонтиради. Риши мана Тошкентга учинчи марта келиши. У ўтган сафарги кинофестивалда ҳам қатнашган эди.

Биз аэропортдан ҳамроҳ бўлиб йўлга тушдик. У шаҳримиз ҳақида ўзининг таассуротларини қувониб гапирар эди. Рўпарамизда фестиваль плакатлари ва байроқлари билан безатилган «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг салобати намоён бўлганида, Риши ғоятда қувониб: «Тошкентга яна келганлигимдан беҳад хурсандман» деб қувончини изҳор қилди.

Фестивалга келган ҳинд делегацияси салмоқли бўлиб, 37 кишидан иборат. Делегациянинг кўпчилиги кеча Иордания, Сурия, Эфиопия санъаткорлари билан бирга келишди. Фестивалга келган ҳинд меҳмонлари орасида машҳур сценарист Васант Прабхакар Сатхе, шунингдек «Иглз — фильм» фирмасининг бошлиғи Факир Ганд Меҳра ҳам бор.

Биз таржимон Валерий Жабин билан меҳмонхона фойесида меҳмонни суҳбатга тортдик. У Тошкентда бўлиб ўтган барча кинофестивалларда қатнашганлиги, ана шу кинофорум фильмлар ва қатнашчиларни кўплаб қамраб олаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Ёш мамлакатларнинг кинематографияси билан атрофлича танишиш, тажрибалар алмашиш, кино арбоблари ўртасида муносабатларнинг кенгайиши— жаҳон халқларининг яқинлашуви— Тошкент фестивалининг ёрқин самараси эканлигини ҳикоя қилиб берди.

Ҳинд ва Совет кинематографчиларнинг яқин алоқалари ҳақида ҳикоя қилатуриб, мисол келтирди. Фестиваль тамом бўлгандан кейин ҳинд кинематографчиларини Ўзбекистонда қизиқарли иш кутиб турибди. Бу иш шу билан ҳам диққатга сазоворки, ўзбек ва ҳинд кино арбобларининг ҳамкорликдаги ғайратлари билан «Алибобо ва қирқ қароқчи» қизиқарли ва севимли эртак экранда ўз ифодасини топади. Ана шу фильмни суратга олиш ишлари фильмнинг эртакнамо муҳитини яратадиган Ўрта Осиёнинг экзотикали жойлари— Тошкент, Самарқанд, Душанба шаҳарларида амалга оширилади.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг олдига машиналар узлуксиз келиб турибди. Москвадан кечқурун яна иккита фестиваль рейси кутилмоқда. «ИЛ—62» самолёти Непал, Маврикия, Катманду, Мексика, Сенегал ва Мадагаскардан йўлга чиққан Тошкент кинофестивали меҳмонларини олиб келади. Байрамдагидек безанган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси меҳмонлар учун эшикларини кенг очмоқда. Шундай қилиб шаҳримизда кино анжумани бошланмоқда...

А. ТЮРИКОВ.

АССАЛОМ,
ФЕСТИВАЛЬ
ҚАТНАШЧИЛАРИ
ВА МЕҲМОНЛАРИ

ПРИВЕТ
УЧАСТНИКАМ
И ГОСТЯМ
ФЕСТИВАЛЯ

GREETINGS TO
THE PARTICIPANTS
AND GUESTS OF THE
FILM FESTIVAL

SALUT AUX
PARTICIPANTS
ET INVITES
AU FESTIVAL

SALUDOS A LOS
PARTICIPANTES
E INVITADOS
AL FESTIVAL

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ
ТОШКЕНТ-78
КИНОФЕСТИВАЛИ
V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 1, 1978

УЧ ҚИТЪАНИНГ

• *Фестиваль экрани*

Ватан нимадан бошланади?

ВЬЕТНАМ КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИНИНГ ЛЕНТАЛАРИ ОЗОДЛИК ВА МАМЛАКАТНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛГАН КУРАШ, БУГУНГИ КУН ВОҚЕАЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Кейинги йилларда бир қанча муваффақиятга эришган Вьетнам киноси қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу мамлакатда кино санъати француз мустамлакачилиги ва Америка империализмига қарши олиб борилган икки дафъа миллий-озодлик ҳаракати давомида шаклланди. Вьетнам Демократик Республикаси ахборот ва пропаганда министрлигида 1945 йил август революцияси ғалаба қозониши биланоқ кинематография секцияси очилди. Ҳам моддий, ҳам техникавий, қолаверса, уруш қийинчиликларига қарамай, Вьетнам киноси иш бошлади ва халқ босиб ўтган тарихий йўлни ўзида акс эттирди. Оғир уруш йилларида вьетнам киночилари кинокамера билан куролланиб, жанг майдонларига йўл олдилар. Шу тариқа уруш пайтида жуда кўп хроникал ва ҳужжатли фильмларни суратга олдилар. Негаки, улар вьетнам халқи учун бу тарихий фактлар нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини, халқни босқинчиларга қарши курашга руҳлантирувчи қурол эканлигини билар эдилар.

1965 йилдан 1968 йилгача бўлган машаққатли агрессия йилларида Шимолий Вьетнамда 259 хроникал, 184 ҳужжатли, 16 бадиий, 12 мультипликацион ва қўғирчоқ фильмлари, 83 илмий-оммабоп фильм суратга олинди.

Бу фильмларнинг ҳаммасида Вьетнам меҳнаткашларининг жасорати, ғалабалари тасвирланган эди. Вьетнам халқининг узоқ давом этган уруш йиллари «қаҳрамонлик даври» деб ном олди. Чиндан ҳам бу йилларда халқ жасорати мисли кўрилмаган даражада намоён бўлди. Вьетнам қаҳрамонларининг номи жаҳонга машҳур. Душман томонидан ваҳшийларча қийноққа солиб ҳалок этилган сайгонлик ёш ишчи Нгуен Ван Чой, олти боланинг онаси бўлишига қарамай душманга таслим бўлмаган, жангда ҳалок бўлган Нгуен Тхи Ут. Ватанини душмандан ҳимоя қилиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган ёш қиз Ле Тхи Хонг Гам шулар жумласидан. Винь-Линь қишлоғининг ҳар бир кишиси бошига душманнинг етти тоннадан бомба ва снаряди тўғри келган эди. Шунга қарамай қишлоқ аҳли курашни давом эттиради. «Винь-Линнинг пўлат девори» деб номланган фильм худди ана шу қишлоқ аҳлига бағишланган. Бу асар Москвадаги халқаро кинофестивалда мукофот олган эди. Фильм муаллифлари бир қишлоқ мисолида бутун вьетнам халқининг жасоратини ифода этганлар.

Тошкент фестивалларида кўпгина вьетнам фильмлари намойиш қилинди. Биринчи фестивалда «Бўрон турмоқда», иккинчи фестивалда «Беркинадиган жой йўқ», «Фиок деган бола», «Улар кураш билан ўсдилар», учинчи фестивалда «Далага қайтиш», тўртинчи фестивалда «Икки она» фильмлари намойиш қилинди. Бу асарларнинг кўпчилик қаҳрамонлари ҳаётда бор одамлар эди. «Бўрон турмокда» фильмининг ёш қаҳрамони Ван деган аёл улкан жасорат кўрсатади. Фиок деган боланинг қаҳрамонлиги эса яна бир фильм учун асос бўлган эди. Бу асарларда катта ҳақиқат бор. Вьетнам урушида аёллар ва болалар эркаклар билан бир қаторда мислсиз жасорат кўрсатди. Ҳар иккала фильмнинг қаҳрамонлари топталган Ватанлари учун, яқин кишиларининг ҳалокати учун душмандан қасос олишга аҳд қилган қаҳрамонлардир. Фильм авторлари ўз қаҳрамонлари ҳақида оддий ва табиий ҳикоя қиладилар. Хюн Тхань ва Ле Хюаннинг «Бўрон турмоқда» фильми Америка босқинчиларига қарши халқ озодлиги ҳаракатининг бошланиши ҳақида ҳикоя қилувчи шу номли пьеса асосида яратилган. Режиссёр Фам Ки Намнинг «Беркинадиган жой йўқ» фильми ҳам шу мавзуга бағишланган. Бу асарда халқ милицияси вакилларининг ҳушёрлиги билан диверсантлар группаси қандай қўлга туширилганлиги ҳикоя қилинади.

Уруш йилларида яратилган асарларда халқнинг мустақиллик учун олиб борган кураши, унинг маънавий қиёфаси ўз аксини топган. Бу фильмларнинг бадиий савияси юксак деб бўлмайди. Негаки, улар ўқ ва бомбалар остида суратга олинган. Лекин бу асарларда халқ жасорати, унинг ғалабага ишончи жуда ёрқин акс этган. Вьетнам киночиларининг Америка босқинчиларига қарши қонли жангда, қийин аҳволда, техникавий жиҳатдан яхши қуролланмаган ҳолда фильмларни суратга олишнинг ўзи бир жасорат. Улар кинонинг катта тарбиявий аҳамиятини одамлар онгини тоблашда ниҳоятда улкан роль ўйнашини билганликлари учун ҳам ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги асарларни яратдилар. Давр талабининг ўзи шу эди. Халқ олдида ягона мақсад, ғалаба учун кураш мақсади турарди. Вьетнам киночилари халққа ана шу курашда кўмак бердилар. Улар тезроқ фильм яратиш мақсадида қисқа ва ўрта метражли асарлар яратдилар. Бу асарлар оммага тез етиб боради. Кўпинча фильмлар ертўлаларда кўрсатиларди. Томошабинларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шундай қилинарди. Бу даврда кинопрокат айниқса катта хизмат қилди. Ана шу ташкилотнинг ғайрати билан энергия ва транспорт қийинчиликларига қарамай, фильмлар ўз вақтида кўрсатилди.

Тинч замон келиши билан яна янги муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Қишлоқ ва шаҳарларни тиклаш, янги ҳаётни изга солиш лозим эди. Кино санъати энди мана шу мавзуга мурожаат қилди. III Тошкент фестивалига режиссёр Ботъ Зиённинг «Далага қайтиш» картинаси намойиш қилинди. Бу фильм замонавий мавзуга бағишланган эди. Вьетнам кино санъати Совет Иттифоқининг улкан ёрдами билан ўзининг моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаб, янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Энди экранда социалистик қурилишнинг қаҳрамонона меҳнати акс эта бошлади. Кинематографлар барча куч-қудрати ва техникавий изланишларини фильмларнинг бадиий савиясини юксалтиришга, схематизмдан қочишга қаратди. Вьетнам халқи босиб ўтган қаҳрамонона кураш йўли бундан кейин ҳам кўплаб экран санъаткорларини ҳаяжонга солаверади. Модомики, ер юзида империалистик кучлар бор экан, демак агрессия хавфи йўқ эмас. Янги уруш хатари йўқ эмас. Шундай экан, Вьетнамдаги уруш ҳали кўп асарлар учун мавзу бўлади. Албатта уруш даврида яратилган уруш ҳақидаги бадиий фильмлар кўлами жиҳатидан катта эмасди. Энди киночилар бу мавзуда катта эпик полотнолар яратадилар. Халқ ҳаётидаги катта бир босқични тасвирлайдиган, ёшларни ватанпарварлик руҳида, ўз Ватанининг тақдирини ҳамиша ўйлаш руҳида тарбиялайдиган асарлар яратадилар. Хак Лопнинг «Икки она» фильми ана шундай асарлардан. Бу фильм Тошкентда бўлиб ўтган IV халқаро фестивалда намойиш қилинган эди.

«Оқ зулмат» (Туркманфильм) фильмидан кадр.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ТАРИХИДАН

Биринчи Тошкент халқаро кинофестивали 1968 йил 21—31 октябрь кунлари бўлиб ўтди. Унга 105 бадиий ва қисқа метражли фильмлар тақдим этилди. 20 лента мамлакатимиз жамоат ташкилотларининг совринлари ва дипломлари билан мукофотланди.

СССР Кинематографчилар союзи, Узбекистон ССР Кинематографчилар союзи, СССР ва Узбекистон ССР Журналистлар союзлари, жуда кўп ташкилотлар ўз мукофотларини таъсис этдилар. «Ханойда бир кун» (ВДР), «Оқибат — 67» (Иордания), «Биз бирга яшашимиз лозим» (КХДР) ва бошқа фильмлар ана шу мукофотларга сазовор бўлди.

* * *

Иккинчи киноанжуман Тошкентда 1972 йил 24 майдан 3 июнгача давом этди. Фестиваль кунлари шаҳар экранларида 126 фильм намойиш этилди. Фестивалда 62 мамлакат ўз делегатларини йўллади.

Мамлакатимиз турли жамоат ташкилотларининг мукофотларига «Интервью» (Ҳиндистон), «Геноцидни тўхтатинг!» (Бангладеш), «Эмитай» (Сенегал), «Ёшлик» (Эрон) фильмлари сазовор бўлди.

«Чукиаго»

БУ БОЛИВИЯЛИК КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЛЕНТА ҚАҲРАМОНЛАРИДАН БИРИНИНГ ИСМИ. ФИЛЬМДА ЧИКИАГО ВА КЕЙИНГИ НОВЕЛЛАЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ БЎЛГАН КИШИЛАРНИНГ ОҒИР ҚИСМАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ

Боливияда дастлабки кино ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумот 1946 йилга тўғри келади. Дастлабки йилларда йилига 2—3 фильм яратилар эди. 1958 йилда режиссёр Хорха Руж мамлакатда биринчи овозли тўла метражли фильмни яратди. 60 йилларнинг бошларида Боливия реалистик киносида Хорхе Санхинес энг салмоқли ўринлардан бирини эгаллади. Унинг раҳбарлигида «Революция», «Кўчки», «Январ Мальку», «Халқ жасорати» сингари аҳамиятли ленталар суратга олинди. Бу фильмларда режиссёр Боливия жамоатчилиги олдида турган энг зарур муаммоларни кўтариб чиқиш, мамлакат аҳолисининг 70 процентини ташкил қиладиган индусларнинг қашшоқ ва хароб турмушини очиқ кўрсатиш, америкалик ишбилармонларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб беришга муваффақ бўлди.

Режиссёр Антонио Иджинионинг «Чукиаго» фильмига назар ташлагудек бўлсак, ҳозир ҳам бу мамлакатда Хорхе Санхинеснинг ишини давом эттираётган режиссёрлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Бу фильм V Тошкент халқаро кинофестивалида намойиш қилинади.

Фильм тўрт новелладан ташкил топган. Ҳар бир новелланинг номи маълум бир шаҳар ва қаҳрамоннинг номи билан аталади.

Биринчи новелла «Чукиаго» деб номланади. Унда бир амаллаб кун ўтказиш ниятида ҳар хил ишларни бажаришга мажбур бўлган индус боланинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи новелла «Жонни» деб аталади. У камбағал оиланинг фарзанди. Шунга қарамасдан унинг ота-онаси фарзандини маълумот олишига эришиш учун ҳаракат қилишади. Улар уни ўқитиш учун пул тўлашади. Жонни ўзи ҳақида жуда буюк фикрда бўлади.

Фильм авторлари бу новеллада енгил турмушни кўзлаб, ўз халқидан, унинг урф-одат ва анъаналаридан ажраб қолган кишиларни танқид қилишади.

Навбатдаги новелланинг қаҳрамони — майда чиновник Карлосдир. Новеллада майда буржуазиянинг ҳаёти, порахўрлик, ҳар хил низолар ҳақида ҳикоя қилинади. Йиғинга тўпланганларнинг ҳаммаси унинг ҳалол ишчи ва одамийлик хусусиятлари ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Бир вақтнинг ўзида экранда Карлоснинг кейинги пайтдаги ҳаётининг воқеалари қайта тикланади. Худди шу ерда биз унинг иккиюзламачилиги, ёлғончилиги, қўполлиги, маънавий жиҳатдан бузуқлигига ишонч ҳосил қиламиз. Кундузи у пора олади. Кечалари эса порага олган пулларини айш-ишратга сарфлайди. Фильмда бундай ҳаёт кечириш, шу билан бир қаторда иккиюзламачилик танқид қилинади. Ва, ниҳоят тўртинчи новеллада халқнинг келажаги, унинг бахтли келажак учун олиб бораётган кураши, революция тўғрисида ҳикоя қилинади.

Фильм авторлари ҳозирги Боливия ҳаётидаги қарама-қаршиликларни ўзига хос услубда очиб беришга муваффақ бўлишган. Бахт, ҳаётдан ўз ўрнини топиш тушунчаси томошабинларга илғор реалистик кино нуқтан назаридан туриб очиб берилган.

• *Фестиваль экрани*

Кураш ва ғалабалар солномаси

ОЗОДЛИК ОРОЛИ КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИ КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИ ҒАЛАБАСИНИНГ БИРИНЧИ КУНЛАРИДАНОҚ ЎЗ МАМЛАКАТИ ЙИЛНОМАСИНИ ЯРАТМОҚДАЛАР

1937 йили Эрнесто Капарос биринчи Куба овозли фильми — «Қизил илон» асарини суратга олади. 1940 йили Кубага Мексика, Америка, Италиянинг коммерция фильмлари ёпирилиб кирди. Шу тариқа миллий кино санъатининг юксалиши қийинлашиб қолди. 1959 йил Куба революцияси арафасида мамлакатда 500 га яқин кинотеатр бўлиб, шундан 180 таси АҚШ кинокомпанияларига тегишли эди. Албатта, АҚШ кино корчалонлари ҳар йили катта даромад олар эди. Куба эса ўзига хос киноколониясига айланиб қолган эди. Фақат 1959 йил революциясидан кейингина Кубада чинакам миллий кино санъатини яратиш имконияти пайдо бўлди. 1959 йил 23 март куни революцион ҳукумат қабул қилган қарорга биноан Куба кино санъати ва кино саноати институти ташкил қилинди.

Орадан кўп ўтмай Сантьяго Альвареснинг «Ҳозир» деб номланган картинаси пайдо бўлди. Бу асарда Шимолий Америка ирқчилиги, Америка негрларининг ўз ҳуқуқи учун кураши ёрқин акс эттирилган эди. Асар худди айбномадек жаранглади.

60 йилларда Куба кинематографчилари яратган энг яхши асарлардан бири Гутьехрес Алеанинг «Бюрократнинг ўлими» деган фильми бўлди. Асарда социалистик жамиятнинг яширин душмани қақшатқич равишда танқид остига олинади.

Кейинги йилларда Куба кино санъатида қатор асарлар яратилди. Режиссёр Гарсиа Эспиноснинг «Хуан Кан Киннинг саргузаштлари», Гутьерас Алеанинг «Қолоқлик ҳақида хотира», М. Октавио Гомеснинг «Мажетининг биринчи жанги», Умберто Соласнинг «Юсия» ва бошқа картиналари катта шуҳрат қозонди. Бу фильмлар 60 йилларда Куба ҳаёти, халқнинг контрреволюция кучларга қарши кураши, социалистик Кубада янги муносабатларнинг таркиб топиши ҳақида ҳикоя қилди.

Кейинги йилларда яратилган асарлар орасида режиссёр Энрике Пинеуа Барнетнинг «Хулио Антониш Мелья» фильми диққатга сазовордир. Бу асар IV Тошкент кинофестивалида намойиш қилинган эди. Асар Куба коммунистик партияси асосчиларидан бири — ёш, жасур коммунистга бағишланган. Фильм воқеалари йигирманчи йилларда бўлиб ўтади. Асарда миллий-озодлик учун кураш қандай келиб чиққанлиги, тўнғич Куба коммунистларининг жасорати, душманга қарши мардлик билан олиб борган кураши ва умуман Куба коммунистик партияси нақадар мушкул вазиятларда дунёга келганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Асар Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган.

Куба кино ходимлари V Тошкент кинофестивалига Сержио Джиралнинг «Назоратчи» фильмини тавсия қилдилар. Бу фильм таниқли ёзувчи Серилл Вилл Вердининг «Овчи қулнинг кундалиги» романи асосида экранлаштирилди. Бу тарихий лента негр қулларини оммавий равишда қириш, назоратчиларнинг золимлиги ҳақида ҳикоя қилади. Асар зулмга қарши шиор каби янграйди.

Кунлардан бирида хўжайинларнинг зулмидан безор бўлган бир тўда негр қочиб кетади, Эштевец деган аблаҳ бошлиқ бир тўда назоратчилар қочоқларни излаб кетишади. Улар йўлида дуч келган барча негрларни ўлдириб ташлайдилар. Фильм муаллифлари бундай қирғиннинг бош сабабчиси фақат Эштевец эмаслигини, унинг орқасига йирик фабрикант ва плантаторлар турганлигини ҳис қилади.

Бу нарсани қочоқ қуллар ҳам тушунадилар. Уларга бошчилик қилаётган Мельхора деган аёл янги қочоқлар группасини уюштиради. Плантаторларнинг далаларига ўт қўйишади, қурол топиб қулдорлар билан олишишга аҳд қилишади. Шунда яна назоратчи Эштевец пайдо бўлади. У бир тўда каллакесарларни тўплаб Мельхора отрядини қидириб кетади. Янги қирғинлар бошланади. Лекин пайти келиб улар Мельхора одамлари қўйган пистирмага тушиб қоладилар. Собиқ қуллар ўз хўжаларидан боплаб қасос оладилар.

Фильм жуда чуқур таассурот қолдиради. Бу борада съёмка группасининг хизмати катта. Аввало режиссёр Сержио Джиралнинг маҳорати ўсганлигини таъкидлаш керак.

Куба фильмлари мамлакат маданий ҳаётида катта ўрин тутмоқда. Кубанинг революцион ҳукумати миллий кинематография тараққиётига катта эътибор бермоқда.

Куба революцияси амалга оширилгандан бери мамлакатда 70 дан ортиқ тўла метражли, 550 дан ортиқ ҳужжатли ва 100 га яқин мультипликацион фильмлар яратилди. Мамлакатда йил сайин 10 га яқин тўла метражли картиналар яратилмоқда. Бугунги кунда Куба киноси жаҳон аренасига чиқди. Бу мамлакат кино усталари яратган асарлар чет элларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Революциядан буён ўтган давр мобайнида Куба фильмлари 140 дан ортиқ халқаро мукофотлар олди. Бу эса социалистик Куба кино санъати тўғри йўлдан бораётганлигини яна бир бор исботлайди.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ТАРИХИДАН

Учинчи Тошкент Халқаро кинофестивали 1974 йил 20—30 май кунлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 70 мамлакат 176 фильмни таклиф этди. 41 лента Тошкент киноанжуманининг турли мукофотларига сазовор бўлди. «Она топшириғи» (Афғонистон), «Лой қўғирчоқ» (Покистон), «Ўргимчакларни ўлдиринг» (Филиппин), «Ватан» (Япония) ва бошқа картиналар шулар жумласидандир.

Шу фестивалда турли мамлакат кино арбобларига соврин ва мукофотлар топширилди. Уларга жумладан турк актрисаси Фотима Гирик, Капурлар оиласи (Ҳиндистон) ва бошқа экран усталари сазовор бўлишди.

Тошкентда, Чирчиқда ва бошқа шаҳарларда томошабинларнинг Ҳиндистон, Сурия, Япония, Аргентина ва бошқа давлатларнинг кино усталари билан ижодий учрашувлари бўлиб ўтди.

Тошкент киноанжуманига меҳмонлар ҳам ташриф буюрдилар. Келаси фестивалдан бошлаб улар ана шу анжуманнинг тўла ҳуқуқли қатнашчилари бўлиб қолишди. Латин Америкаси кинематографчилари шулар жумласидан. «Сан Бернард» (Бразилия), «Алкуччо» (Колумбия), «Ёлгиз кишининг учрашуви» (Мексика) ва бошқа ленталар катта муваффақият билан намойиш этилди.

ТАНИШИНГ: ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Озодлик ва адолат йўлида

ПРОГРЕССИВ МИСР КИНОРЕЖИССЁРИ САЛОҲ АБУ САЙФНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

У 1915 йил 11 май куни Қоҳира яқинидаги ишчилар маҳалласи — Булакда туғилди. Болага адолатпарвар деган маънони англатувчи исм — Салоҳ деб исм қўйдилар. Мана шу камтар бола вақти келиб Мисрнинг машҳур кинорежиссёрларидан бири бўлиб кетишини ҳеч ким билмасди. У иккинчи жаҳон урушидан кейин шуҳрат қозонган иккинчи авлод режиссёрларидан бири бўлди.

Бугунги кунда халқаро кинофестивалларда Миср кино санъатининг шуҳрат қозонишида Салоҳ Абу Сайфнинг хизмати улкан. Унинг асарлари бугунги кун Миср ҳаётининг долзарб масалаларини акс эттириш билан ажралиб туради. Салоҳ Абу Сайф Мисрнинг халқаро миқёсда фильмлари шуҳрат қозонаётган ягона режиссёри эди. У бугунги кунда ҳам энг кўп халқаро мукофотлар олган режиссёрлардан бири. Унинг асарлари Миср халқининг ҳурмат ва муҳаббатини қозонган. Лекин йирик экран усталари қаторидан жой олгунга қадар унга Булакдан Қоҳирагача машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Ўз кучини журналистикада синаб кўрди...

Постановкачи Ниёзий Мустафо билан учрашув Салоҳ Абу Сайфнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У Ниёзий Мустафога «Миср» студиясига ўтиб ишлаш нияти борлигини айтади. Йигитнинг қобилияти ва билимига шубҳа қилмаган Ниёзий Мустафо монтаж бўлимига ассистент қилиб олишларига ёрдамлашади. Ниҳоят, Абу Сайфнинг орзу-истаклари рўёбга чиқа бошлайди. Кўп ўтмай монтажчи, монтаж цехи бошлиғи, сўнгра монтаж бўлимларига бошлиқ қилиб тайинланади. Салоҳ Абу Сайф монтаж бўлимида ўн йил хизмат қилади. Орттирган тажрибалари кейинчалик асқотади. Монтажчилик услубларини яхши билган режиссёр съёмка пайтида ўзини дадил тутади, ишончини йўқотмайди. Бу ерда у Камол Салим билан танишади ва унинг «Васиятнома», «Умрбоқий», «Бугунги кун» номли уч фильмини монтаж қилади. 1939 йилда у иккита қисқа метражли ҳужжатли фильм «Искандарияда алоқа системаси» ва «Қоҳира симфонияси» ленталарини суратга олади. Биринчиси ўқув характеридаги фильм эди. Иккинчи фильмга эса мисрликларнинг кундалик ҳаётини кузатган ва шаҳар ғала-ғовурини акс эттирган чет эллик рассомнинг китобчасидан олинган карикатуралар асос бўлган.

Ниҳоят 1945 йилда продюсер Габрил Тельмахи Салоҳ Абу Сайфга ўзининг биринчи тўлиқ метражли «Ҳамиша қалбимда» фильмини суратга олишга имкон беради.

1947 йилда «Қасоскор» фильмини қўяди. Бунда бир бой врач ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан ёшгина ҳамшира қизга уйланиши ҳикоя қилинади. 1948 йилда яратилган навбатдаги «Антар» ва «Абиль саргузашти» фильми Мисрда Ниёзий Мустафо, Аҳмад Бадрохонга ўхшаш машҳур касбдошларидан ҳам ўзиб чиқаётган янги режиссёр пайдо бўлганини намойиш қилди.

Унинг аксари картиналарида антагонистик муносабатлар, масалан, оч-яланғочлар ва бойлар, пулдорлар ва таҳқирланганлар ўртасидаги зиддиятлар тасвирланади. Салоҳ Абу Сайф бойларнинг кирдикорларини аёвсиз фош қилар, уларнинг очкўз, маънавий тубан, ахлоқан бузуқлигини кўрсатиб томошабинда нафрат уйғотади. Чор-ночор ҳаёт кечираётган халқ турмуши ҳар қачонгидек меҳр ва ростгўйлик билан кўрсатилса, бойлар ҳаёти нурсиз, поқайд тасвирланади. Чунончи, 1952 йилда олинган «Паҳлавонлар» фильми кадрлари актёрлик маҳорати, эпизодлардаги хатти-ҳаракат нафис ва ишончли чиқиши билан кишини ҳайратга солади.

Кейинги йилларда у «Механик Ҳусан», «Райя ва Сеина», «Зулук», «Ҳайрат», «Чексиз йўл», «Осмон-у ер ўртасида», «Тириклар орасида ўликлар», «Қоҳира 30» каби ленталарни суратга олади.

Кейинги пайтларда Салоҳ Абу Сайф ҳозирги Мисрга даҳлдор турли проблемаларни кўрсатувчи фильмлар ярата бошлади. Уларда аёллар ҳуқуқсизлиги, ишчиларнинг корчалонларга қарши кураши ёритилади. «1967 йил суди», «Иккинчи хотин», «Қоҳира 30», «Чучук денгизга тушиб қолдим», «Ёлғончи» ва бошқалар шулар жумласидандир. Сўнгги йиллар ижод маҳсули бўлган бу ленталар прогрессив Миср кинорежиссёрининг айни камол топиб юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам Тошкент кинофестивали меҳмонлари орасида Салоҳ Абу Сайфнинг ҳам бўлиши қувончлидир.

ЭКРАН «ЮЛДУЗ»ЛАРИ — ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Мексикалик актриса Элисил Энсинас.

Режиссёр Г. Шермуҳамедов ва покистонлик актёрлар Сает Муси Раза ва Собиха Раза.

Фестиваль экрани

Санъат — халқ учун

КОНГО ВА АНГОЛА КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

Кино Конго ва Ангола сингари республикаларда халқни маърифатга чорлаш, уни сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг оммавий воситаларидан бири ҳисобланади.

Конго Республикаси ёш киносининг ғоявий йўналиши ғарбий буржуазия фильмларига қарши қўйилган. Маълумки, ғарб кинолари ёшларнинг онгини заҳарлаш, тарихни сохталаштириб кўрсатиш, томошабинларни кун тартибидаги муаммоларни ҳал қилишдан чалғитишга хизмат қилмоқда.

Конголик кинематографчилар фильмлари учун ўз халқининг тарихи ва ҳозирги турмушини мавзу қилиб олишмоқда. Уларнинг биринчи бадиий фильми III Тошкент фестивалида намойиш қилинган эди. У режиссёр Себастьян Камбанинг «Тўй можароси» фильми эди. Фильмда кўрсатилган воқеа XIX асрда бўлиб ўтади. Аммо авторларнинг халқлар бирлиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқсизлиги ва уларни бу ҳақ-ҳуқуқсизликдан қутқариш ҳақидаги фикрлари ҳозирги даврга жуда мос жаранглаган. Шунингдек, бу биринчи фильмнинг тарихий ўтмишга бағишланганлиги ҳам тасодифий эмас. Тарихий фильмлар Африкадаги мустамлакачилик занжирини улоқтириб ташлаган ҳар бир ёш мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга. Уларда халқлар ҳозир ҳал қилаётган муаммоларнинг манбаи қачон бошланганлигини очиб берилади.

Анголалик кинематографчилар ҳам конголик касбдошларига ўхшаб, фильмларни сиёсий ва маънавий жиҳатдан революцион мазмунга эга бўлиши керак деган фикрдадирлар. Янги ҳаёт вазифалари улардан шуни талаб қилмоқда. Ангола биринчи марта IV Тошкент кинофестивалида «Ҳаёт байрами» ҳужжатли фильми билан қатнашган эди. Бу мамлакатда кино мамлакатни мустамлакачиликдан озод қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Бугунги кунда кино халқ ҳаётини ёрқин акс эттираётган экан, бу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш борасида танланган йўл тўғри эканлигидан далолат беради.

Конгодаги сингари Анголада ҳам кинематографчилар катта қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу қийинчиликларни енгиш учун уларга ҳукумат катта ёрдам кўрсатяпти.

— Анголалик кинематографчилар Тошкент фестивалининг ўтказилиши ва бу фестивалларда бизнинг қатнашувимизни Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларимиз кўрсатаётган катта ёрдам деб баҳолашмоқда, — дейди режиссёр Руй Дуатре де Корвалью.

КИНО САНЪАТИ

• *Фестиваль экрани*

Олдинги сафда

МОНГОЛИЯ КИНЕМАТОГРАФИЯСИ СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БОРМОҚДА

КЕЙИНГИ йилларда Монголия Халқ Республикаси кино санъаткорлари мамлакат ҳаётидаги муҳим актуал проблемаларни юксак бадиий савияда тасвирламоқдалар. Тошкент фестивалида бу мамлакат киночилари ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқдалар. Монголия киносининг дунёга келишида совет кино усталари билан қилинган ҳамкорлик катта роль ўйнади. Совет кинематографчилари кўмагида дастлабки монгол фильмлари яратилди. Монголия киночиларнинг деярли ҳаммаси ВГИКда таълим олган. Совет кино санъати ва миллий кино санъатининг ҳамкорлиги билан монгол киноси тараққий этиб келмоқда. Дастлабки пайтларда халқни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи тўғридан-тўғри агитация фильмлари яратилган эди. Бора-бора монгол кино санъати реалистик ва юксак бадиий савиядаги асарлар билан бойиди. Тараққиёт йўлида камчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйилди. Бу табиий эди. Ҳар қандай санъат ҳам камчиликни тузатишлар билан ривожланади. Сўнгги ўн йилликларда Монголия киносида рўй берган ўзгаришларни Тошкент фестивалларида ҳам кўриш мумкин эди. Бу асарларнинг мавзуи ҳар хил эди. Масалан, «Тошқин» фильмида тарихий революцион воқеалар, «Қуёш тутилган йил» фильмида урушга қарши кураш, «Хотин» фильмида «Воҳа ҳақида афсона» деб номланган халқ эртаги тасвирланди. Бу асарлар мавзу жиҳатдан ҳам, кино санъаткорлари маҳоратининг ўсиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Монгол киносида тарихий революцион жанр янгилик эмас. 70 йилларгача ҳам бу мавзу асосий репертуарни ташкил қилар эди. 1968 йилда Тошкент фестивалида намойиш қилинган «Тошқин» картинаси худди шу мавзуда эди. «Икки дўст» фильмида рус йигит Михаил билан монгол йигит Болда асарнинг марказий планида туради. Режиссёр Д. Жигжид Болданинг революцион онги етилишини ишонарли тасвирлаган. Ҳар иккала йигит революция учун жон фидо қилишади.

Бошқа бир режиссёр Ж. Бунтар уруш ҳақида фильм яратар экан ўз қаҳрамони образини ғоят ишонарли тасвирлайди. Бу фильмда халқнинг бошига уруш туфайли тушган жабр-жафолар, жасоратнинг улуғлиги тасвирланади. Биз бутун фильм мобайнида урушни ҳис қилиб турамиз. Ҳолбуки фильмда фақат бир марта уруш кўрсатилади. Фильм қаҳрамони ёш Чулунхуу халқ революцион армияси сафида хизмат қилиб уйига қайтади. У севимли қишлоғига, ота-онаси, севгилиси олдига шошилади. Лекин уруш унга ўз тамғасини босган эди. Чулунхуу оғир ярадор бўлиб ётганида дўстлари уни ҳалок бўлган деб ўйлашади. Уйига хабар беришади. Севгилиси эса бошқа одамга тегиб кетади. Бу фильмнинг энг катта фазилати шундаки, унда фильм муаллифларининг ва биринчи навбатда режиссер Жамиан Бунтарнинг маҳорати ўсганлиги кўриниб турибди. IV Тошкент кинофестивалида мана шу режиссёрнинг бошқа бир фильми ҳам кўрсатилган эди. Бу «Воҳа ҳақида афсона» фильми эди. Машҳур режиссёр С. А. Герасимовнинг шогирди бўлмиш Бунтар режиссер Г. Жигжидсурэн билан ҳамкорликда яратган бу фильмда монгол халқининг ажойиб фарзанди — қаҳрамон қиз ҳақида ҳикоя қилинади. У ўз халқини душмандан ҳимоя қилиш учун жонини фидо қилади. Фильмда монгол ҳаёти ниҳоят ишонарли реалистик санъат даражасида тасвирланган.

Фақат тарихий ва урушга қарши мавзудаги фильмларгина эмас, замонавий мавзудаги фильмларда ҳам қаҳрамоннинг ички олами, унинг маънавий дунёси тадқиқ қилинмоқда. Бу — монгол кино санъатининг тараққиётидан дарак беради. Шунингдек бу нарса монгол халқи ҳаётида рўй бераётган ижтимоий психологик ўзгаришларни кўзгудек акс эттириб турибди. Социализм қурувчиси бўлмиш бугунги кун қаҳрамонининг мураккаб ва кўп қиррали оламини тасвирлаш — монгол киночиларини ушбу босқичдаги вазифаси бўлиб қолди.

Режиссёр Б. Сумхуу «Хотин» фильмида замонавий кишиларнинг маънавий-ахлоқий оламини тадқиқ қилади. Фильм муаллифлари монгол ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни, оила ва никоҳ, аёл ва оналик борасида амалга ошаётган тараққиётни акс эттирганлар.

Монгол киночилари V Тошкент кинофестивалига режиссёр Д. Жигжид ва сценарий муаллифи Ч. Гомбонинг «Инсон учун» фильмини тақдим этдилар. Бу фильм замонавий мавзуда. Асар марказида қишлоқ районининг врачи Сурэн деган аёл образи туради. Бу фидойи аёл ўз меҳнати билан одамларга қувонч улашади.

Миллий тарихнинг энг муҳим воқеаларига мурожаат қилиш, энг актуал замонавий воқеаларни тасвирлаш, шахснинг психологик ва ахлоқий тебранишларини тасвирлаш монгол киносининг бош йўналиши мана шулардан иборат.

ТАНИШИНГ:

ФЕСТИВАЛЬ

ҚАТНАШЧИЛАРИ

Кураш ва ғалаба

ТАНИҚЛИ ЭКРАН УСТАСИ МИГЕЛЬ ЛИТТИННИНГ ЛЕНТАЛАРИ ШУНГА ЧОРЛАЙДИ

Ҳокимиятни фашистлар хунтасининг қўлга ўтиши билан Чилида кино деярли тугатилди. Ҳозир бу мамлакатда фашистик тартибларни пропаганда қилувчи турли рекламалардан иборат «Висьон де Чили» ҳужжатли тўпламлар кинематографиянинг барча маҳсулотларини ташкил қилмоқда. Кино хунтанинг энг хавфли душмани, «зарарли ғоялар» тарқатувчи восита деб эълон қилинган. «Биз ҳаммага қарши урушяпмиз», дея мақтанган эди Пиночет,— кино ҳам бундан мустасно эмас». Орадан кўп ўтмасдан «Чили-фильм» студиясининг ҳовлисида Чили ҳаётидаги тарихий воқеалар ёзиб олинган ҳужжатли ленталар, энг яхши бадиий фильмлар ёқиб юборилди. Машҳур актёрлар, режиссёрлар, операторлар ҳеч қандай асоссиз қамоққа ташландилар, қувилдилар, давлат тўнтариши юз берган дастлабки кунларда ҳалок бўлишди. Улардан бир неча ўнлаб кишилар мамлакатни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Ҳозир Мексика, Куба, Франция, Европадаги социалистик мамлакатларда Чили киноси қайтадан вужудга келмоқда. Таниқли режиссер Мигель Литтиннинг ижоди бунинг ёрқин далилидир. «Бу Марусиа конида бўлган эди» фильми Мексикадаги кинематографчиларнинг энг олий мукофоти «Олтин Ариэль» билан тақдирланди. «Оскора» мукофоти учун тақдим этилди. Тошкентда бўлиб ўтган тўртинчи халқаро кинофестивалда Мигель Литтиннинг ана шу мазмунли лентаси намойиш қилинган эди. Унинг темаси Марусиа посёлкасидаги селитра конидаги ишчилар қўзғолонини бостиришга бағишланган. У тарихга ва айни пайтда ҳақиқий воқеаларга алоқадордир. Бундай воқеа Чилида 1907 йилда бўлган эди. Муаллиф ана шу воқеа билан 1973 йилнинг сентябрида юз берган «қора» воқеа ўртасига тенглик белгиси қўяди.

Мамлакатда чет эл монополияси ҳукмронлик қилади, у асосий бойликларни назорат қилиб туради, ишчиларни даҳшатга тушириш учун миллий армияни қўлда тутиб туради. Ишчилар эса ўз кучларига ишонч ҳосил қилганларидан кейин бирлаша бошлайдилар, дастлабки йиғилиш ва намойишларни ташкил қиладилар. Кунларнинг бирида бир аёл йўлда завод раҳбарларидан бири бўлган инглиз кишининг жасадини кўриб қолади. Шундан кейин бу раҳбар билан қачонлардир жанжаллашиб қолган ишчи Руфикони қамоққа олишади. Кейин эса уни қочишга уринди баҳонаси билан отиб ташлашади. Ишчилар қўзғолон кўтаришади. Завод маъмурияти уларни тинчитиш учун барча чораларни ишга солади. Ишчиларни қаттиқ жазолайдилар, калтаклаб ўлдирадилар, отиб ташлашади. Аммо, бу нарсалар қўзғолон кўтарган ишчиларнинг иродасини бука олмайди. Улардаги эксплуатация қилувчиларга бўлган нафрат қатъий ҳаракат қилишга, қурбон бўлиш эвазига бўлса ҳам ишни охирига етказишга ундайди. Қўзғолонда посёлкадаги истиқомат қилаётганларнинг ҳаммаси, шу жумладан, аёллар ва чоллар ҳам иштирок этишади. Таъқиб қилинаётган ишчи Полхуан ҳалок бўлиши муқаррар эканлигини тушунганидан кейин қатъий ҳаракат қилишга аҳд қилади. У белига динамит боғлаб олиб ўзини ҳам ва солдатларни ҳам портлатиб юборади. Унинг бу ҳаракати бошқаларга намуна бўлиб хизмат қилади.

Биз билан бўлган суҳбат чоғида режиссёр Мигель Литтин фильм ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди: «Бу лотин америкаликлар ва чет элликлар, ишчилар ва солдатлар, қўзғолон ва ўлим. Чилида ишчилар синфининг туғилиши ҳақидаги аччиқ тарихдир. Бу тарихни мен одамларнинг эсдаликлари асосида жамлашга ҳаракат қилдим. Чунки одамлар ҳозир бу нарсани ҳар қачонгидан ҳам яхши билишлари керак».

Режиссёрнинг тарихни ҳужжатлар асосида аниқ кўрсатиб бериш учун қилган ҳаракати фильмга ишончлилик ва ҳақиқат бағишлаган. Бу фильмда ишчиларнинг йўлбошчиси Грегорио ролини ижро этган машҳур италиялик актёр, коммунист Ж. М. Волонте талантининг янги қирралари намоён бўлди. У ролни жуда содда, ишчилар оммасидан ҳеч бир жиҳати билан ажралмайдиган даражада бажарган. Бу фильмнинг ишончли ва мазмунли чиқишига таъсир кўрсатган.

«Бу Марусиа конида бўлган эди» фильми муаллифнинг ўз ғояларига содиқ эканлигининг ёрқин тимсолидир. Шунинг учун ҳам бу фильм ҳақидаги ҳикояни Мигель Литтиннинг ўзи ҳақидаги, унинг озодликнинг илғор анъаналарига ва кинематографиядаги ривожланишга содиқ эканлиги ҳақидаги ҳикоя деб аташ мумкин.

Мигель Литтин V Тошкент халқаро кинофестивалида ўзининг янги «Метод ресурслари» фильми билан қатнашаётганлиги қувонарлидир. Бу фильм А. Карпентьернинг машҳур романи асосида яратилган.

Ўйлаймизки, талантли режиссёр билан янги учрашув Тошкент кинофестивалида қатнашаётганларга қувонч бағишлайди.

ТАНИШИНГ:
ФЕСТИВАЛЬ
ҚАТНАШЧИЛАРИ

АФРИКА НОМИДАН

АФРИҚАДАГИ ЁШ МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТЛАР КИНО САНЪАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА СЕНЕГАЛЛИК ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ ВА РЕЖИССЁР СЕМБЕН УСМОН КАТТА РОЛЬ ЎЙНАДИ

Унинг «Қора танли қиз» «Почтадан юборилган пул», «Ҳала», «Эмитай» сингари эстетик, бадиий ва техник жиҳатдан етук фильмлари Сенегал кинематографиясини Осиё ва Африка кинофестивалининг олдинги маррасига олиб чиқишга катта ҳисса бўлиб қўшилди. У ўз фильмларини Африканинг кундалик ҳаётидан олиб, унинг барча қарама-қаршиликлари ва мураккабликларини очиб беради. Фильмларда халқнинг ҳаёти чуқур акс эттирилади. Замонавий Африка кинематографчилари учун намуна бўлиб хизмат қиладиган унинг фильмлари халқаро кинофестивалларнинг мукофот ва совринлари билан бир неча бор тақдирланган. Сембен Усмоннинг ишини давом эттираётган бир неча шогирдлари етишиб чиқди. Улар Сенегалдаги ёш режиссёрлар авлоди, бошқа мамлакатлардаги режиссёрлардир. Ўз вақтида улар ҳам Африка кинематографиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшишмоқда.

С. Усмоннинг бадиий асарлари халқни курашга чорлаш, Африка ҳаётидаги муаммоларнинг моҳиятини тушунтириш ва уларни ҳал қилиш руҳи билан суғорилган. Оддий кишилар тақдирини синчиклаб ўрганиш, одамларга бўлган беқиёс меҳр, ўз қаҳрамонлари тақдирига бевосита аралашиш уларнинг севинч ва ташвишларини, қайғу ва аламларини бўлиб олиш—буларнинг ҳаммаси унинг асарларидаги ўзига хос хусусиятлардир. Ёзувчининг хаёлини фақат бир фикр қийнар эди. У ёппасига саводсиз бўлган халққа ҳақиқатни қандай қилиб етказиш, уни ўқиш-ёзишга ўргатиш, курашнинг машаққатли йўлига бошлаш ҳақида тинмай ўйларди. Бу саволларга жавоб топиш учун у кино билан шуғулланишга аҳд қилди. Кино африкаликларнинг маънавий жиҳатдан мустақилликка эришиш жараёнини тезлаштирувчи ягона восита эди.

Кино оламларни қадимий қитъанинг тарихи, унинг маданияти билан таништиради, янги ҳаёт қуриш соҳасида бошқа халқларнинг тўплаган тажрибалари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Барча африкаликлар саводли бўладиган кунни кутиб ўтириш керак эмас. Техника адабиёт уддалай олмайдиган вазифани бажариши, керак илғор ғояларни пропаганда қилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам С. Усмон ўз ишини қолдириб Москвага кино ишини ўрганиш учун ўқишга борди. Бу ерда ўтган тўққиз ой беҳуда кетмади.

Сембен Усмоннинг дастлабки «Қора танли қиз» ва «Почтадан жўнатилган пул» тўла метражли фильмларини биринчи марта биз Тошкент кинофестивалларида томоша қилдик. Ҳар икки картина ҳам бир тема-анъанавий африкача дунёқарашнинг янги тартиблар билан тўқнашувига бағишланган. Биринчи фильмнинг қаҳрамони, хўжайинлар томонидан Францияга олиб кетилган қора танли қиз янги ҳаётга кўника олмайди. Бу ҳаёт унга ўта бегона, моҳияти жиҳатидан ўта мазмунсиз бўлиб туюлади. Шунинг учун ҳам у ўзини-ўзи ўлдиради. «Почтадан юборилган пул» фильмининг қаҳрамони Иброҳим Дьенга тақдирида ҳам эски ва янги замоннинг урф-одатлари бир-бирига дуч келади. У ўзининг номига Париждаги невараси юборган пулни олиш учун паспорт кўрсатиши керак. Паспорт эса унда ҳеч қачон бўлган эмас. Осойишта ва тинч ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган Иброҳим учун ташвишли кунлар бошланади. У идорама-идора юравериб чарчайди. Режиссёр ўз қаҳрамонига юмор билан ёндошади. Уни кулгили ҳолга тушириб қўйиб, «қора европаликларнинг» ҳис-ҳаяжондан инсонийликдан маҳрум бўлган бошқарув системасига рўбарў қилади. Режиссёр уни ўзини тўхтатиб олиш ва атрофида юз бераётган ҳодисалардан хулоса чиқариб олишга ундайди.

Кейинги «Эмитай» картинасида африкаликлар онгининг ўсиб бориши, уларнинг мустамлакачиликка қарши олиб борган кураши тасвирланади. Фильм ўтмишдаги ҳодисалар асосида яратилган бўлишига қарамасдан шу кундаги масалаларни чуқур акс эттиради. Автор бу фильмда мустақиллик ва эркинлик учун курашиш лозим эканлиги ҳақидаги ғояни олдинга суради. Фильмда алоҳида қаҳрамон ва тақдирлар йўқ. Балки Африка қабилалари ва мустамлакачилик тимсоли бўлган солдатларнинг отрядларидан иборат икки лагерь ўртасидаги кураш тасвирланади. Халқнинг тушунчаси ўсиб бораётганлиги, унинг ҳаммадан қудратли бўлган «худо»га ишониши аста-секин ўз кучига бўлган ишонч билан алмашиб бораётганлиги кўрсатилади.

С. Усмоннинг янги картинаси «Седдо» V Тошкент фестивалида намойиш қилинади. Бу фильмда узоқ ўтмиш, XVII асрдаги сенегалликларнинг ислом зулмига қарши олиб борган курашига бағишланган. Африка қитъасининг олдида турган энг актуал масалаларни автор юқори бадиий шаклда ифода этади. Эътироф этишларига қараганда Сембен Усмоннинг «Седдо» картинаси унинг энг яхши фильмларидан биридир. Фильм унинг ижодида янги босқич вужудга келганлигини кўрсатади. Бу фильмда ҳақиқий маънода Африка услуби яққол кўзга ташланиб туради. Ундаги халқ бахшилари куйлаган қўшиқ ва афсоналар моҳияти жиҳатидан халқ анъаналарига жуда яқин туради. Айни пайтда фильм халқ оммасига аталган. Фильм бир мунча театр элементларини ўзида мужассамлантирган. Декламация оҳанги, характерли ишоралар шулар жумласидандир. Лекин улар миллий бўёқни ошириб юбормайди. Балки сюжетнинг тушунарли ва фикрнинг барча томошабинлар учун аниқ бўлишига шароит яратади.

Шундай қилиб, бу фильмнинг моҳияти ўз халқининг тарихига усталик билан ёндошиш, тарихий ва ҳозирги воқеаларни усталик билан уйғунлаштиришдадир. Бу нарсалар яхши шаклда ифода этилади. Шу боисдан ҳам бу фильм бутун Африка киноси учун воқеа бўлди. С. Усмон бекорга қуйидагиларни ёзмаган: «Африкадаги ҳеч бир кинематография умумий ҳаёт муаммоларини четлаб ўтмайди. Бундан ташқари уларнинг манбаи ягона маданий асосдан иборатдир. Бу тилдан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга. Ўз-ўзидан маълумки, қитъанинг лингвистик картасидаги хилма-хиллик биз учун асосий қийинчилик ҳисобланади. Бутун қитъа билан сўзлаша олиш учун кинематографчилар ўзларининг образли тилини танламоқлари лозим. Бунда улар Африкадаги этник группаларнинг бир-бирига яқин бўлган маданияти материалларидан фойдаланишлари керак. Бизнинг олдимизда турган ва ҳал қилишимиз лозим бўлган энг муҳим масала шудир».

«Седдо» фильми бу масалани ҳал қилиш учун ташланган дастлабки одимдир.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ТАРИХИДАН

Тўртинчи кинофестиваль 1976 йил 19—29 май кунлари бўлиб ўтди. У Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг IV Халқаро Тошкент кинофестивали деб расмий равишда аталди. Фестиваль номига киритилган бу тузатишнинг сабаби ана шу анжумандан бошлаб, унда Латин Америкаси қитъасининг экран усталари расмий равишда иштирок эта бошладилар. Анжуманга 109 мамлакат ва ташкилотлар ўз ленталарини тақдим этдилар. Унда Америка, Европа, Австралия, Океания вакиллари меҳмон сифатида ҳозир бўлишди.

Кинематографчилар Африка озодлиги кунида, курашаётган араб халқлари билан бирдамлик кунида, митингларда томошабинлар билан учрашувларда, ижодий мунозараларда актив иштирок этишди.

«Мелья» (Куба), «Бегона ва туман» (Эрон), «Алангали йиллар хроникаси» ва бошқа ленталар мукофотлар билан тақдирланди. Жаъми фестивалда турли жамоат ташкилотларининг 38 мукофоти топширилди.

IV Тошкент Халқаро киноанжуманидан бошлаб махсус «Кинофестиваль йўлдоши» нашри чиқарила бошланди.

Ушбу суратда тасвирланган актрисани таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унинг номи кўпчиликка маълум. Кети Мирза иштирок этган фильмлар мамлакатимизда кўп марта намойиш этилган. Ҳозир Кети Мирза ҳинд кинематографининг энг машҳур актрисаларидан бири ҳисобланади.

* * *

«Чинакам тбилисилик ва бошқалар» (Грузияфильм) фильмидан кадр.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ТАРИХИДАН

Жуда кўп таниқли кино усталари Тошкент киноанжуманининг меҳмони бўлишган. Жумладан, сенегаллик ёзувчи ва режиссёр Сембен Усмон, таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, машҳур кино актёрлари Раж Капур (Ҳиндистон), Наргис (Ҳиндистон), Фотима Гирин (Туркия) ва бошқа таниқли кинематографчилар шаҳримизга келиб, «Кино тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда» шиори остида ўтадиган анъанавий ижодий мунозараларда иштирок этишган.

Республикамиз пойтахтидаги ҳар бир киноанжуманга «Совэкспортфильм» вакиллари ташриф буюришади. Фақат иккинчи Тошкент кинофестивалида 150 дан зиёд контрактлар тузилиб, 40 дан зиёд совет кинофильмлари хорижий давлатларга сотилди.

IV Тошкент Халқаро кинофестивалининг «бозори» бундан ҳам ваколатли бўлди. Унда 43 мамлакат вакиллари иштирок этишди. Монголия, Ироқ ва бошқа мамлакатлар совет фильмларини харид қилдилар.

ФЕСТИВАЛЬ ЛЕНТАЛАРИДАН

«Бургутнинг охирги йили» фильмидан кадр. Фильм Свердловск киностудиясида яратилган. Унда мамлакатимиз тарихи ҳақида, матонатли ва довюрак кишилар, уларнинг ҳаёти ва меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади.

КИНОАНЖУМАН

ФИЛЬМЛАРИ

КЕНГ ОММА УЧУН

ФЕСТИВАЛГА ЯНГИ ФИЛЬМНИ ТАҚДИМ ҚИЛГАН ҲИНД КИНОРЕЖИССЁРИ САТЬЯДЖИТ РЕЙ АНА ШУНДАЙ ФИЛЬМЛАР ЯРАТАДИ

МАЪЛУМКИ, ҳинд халқи ҳаётида кино катта ўрин тутади. Кино — миллионлар қалбига йўл топадиган восита бўлибгина қолмай, аҳолининг кўпчилик қатлами учун худди радио сингари ягона информация воситаси ҳамдир. Ҳинд киносида кўп йиллар мобайнида асосан мелодрамалар, ҳар хил олди-қочди воқеалар, рақс ва қўшиқлар кўп бўлган. Лекин Ҳиндистоннинг энг катта режиссёри Сатьяджит Рей асарларида воқеалар аста-секин ўзгара бошлади. «Параллель» деган йўналиш пайдо бўлди. Бу фильмларда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар акс эта бошлади.

1956 йили Канн шаҳрида бўлиб ўтган фестивалда Сатьяджит Рей асарларида янги йўналиш мавжудлиги ҳақида фикрлар айтилди. Рейнинг «Патер панчали» («Йўл қўшиғи») деб номланган фильми бир йўла икки мукофот—«Энг яхши инсоний ҳужжат» ва «Фахрли диплом» мукофотларини олди.

Ҳозир Рей ҳақида турли тилларда кўпдан-кўп мақола ва китоблар ёзилган. Ҳатто бутун ҳинд киноси ҳақида ёзилган асарлар ҳам бунчалик кўп эмас. Унинг номини Курасава, Феллини, Бергман, Антониони сингари буюк кино арбоблари билан ёнма-ён қўядилар. Бу бежиз эмас. Сатьяджит Рейнинг реалистик руҳдаги фильмлари коммерция мақсадида яратилган асарлар орасидан ёриб чиқиб ҳинд фильмида илк бор чинакам реализм таркиб топишига ёрдам берди. Рей кинода янгича дадил стиль бошлайди.

Сатьяджит Рей «Патер панчали» фильми устида иш бошлар экан, махсус маълумоти ҳам йўқ эди. Кинематография борасида умуман тажрибаси йўқ эди. Фақат профессионал рассом эди. Негаки у кўп йиллар инглиз реклама нашриётида ишлаган, китобларни иллюстрация қилишда иштирок этган эди. Лекин кинога бўлган катта ҳавас уни янги соҳага бошлади. У В. Пудовкин, С. Эйзенштейн асарлари билан танишди. Ўзининг айтишича бу китоблар унга кўп нарсани ўргатди. «Мен интеллектуал аспектда монтаж қилишда, киносанъатнинг барча турларини ўзида мужассам қилганлигини тушунишда Эйзенштейндан бурчдорман» деб ёзади у.

«Патер панчали» Рей яратган трилогиянинг биринчи қисми эди. Шундан кейин «Енгилмас одамлар» ва «Мир Апу» фильмлари дунёга келди.

Рейнинг ҳинд киносига келиши режиссёрнинг фильм яратишдаги устунлигини кўрсатганлек бўлди. Баъзан энг яхши режиссёрлар ҳам молиячиларнинг ҳукмига бўйсунишга мажбур бўлар эди. Рей фақат сценарий ёзиб ёки режиссёрлик қилибгина қолмайди. У фильм яратилишида барча соҳани назорат остига олади. Музикадан тортиб, муҳаррирликкача, операторлик ишидан монтажгача...

Сатьяджит Рей фильмларининг реализми ва ҳаётийлиги уларда ҳужжатли ленталар билан қардошлаштириб қўйгандек бўлади. Масалан, Рей Робиндранат Тагор туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб Ҳиндистон ҳукуматининг топшириғи билан шоир ҳақида фильм яратди. Сценарийни ўзи ёзди. Шундай қилиб у ҳужжатли кино яратиш борасида ҳам моҳир эканлигини кўрсатди. Рейнинг ўзи яхши кўрган фильмлар — «Маъбуда», «Тин Канья» ва «Чарулата» асарларидир.

«Чарулата» фильми Рейнинг энг яхши асарларидан.

Рейнинг ижоди мутлақо ўзига хос, чуқур миллий. Унинг «Узоқдаги момақалдироқ» асари 1942 йили Бенгалияда бўлиб ўтган воқеалар асосида қурилган. Шу йили Бенгалияда 5 миллиондан ортиқ одам очликдан ўлган эди. «Музикали хона» картинасининг марказида эса кексайиб бораётган, аммо ўзининг аристократик оиладан чиққанлигини бир лаҳза ҳам унутмайдиган, «паст» табақалар билан муомала қилишни истамайдиган, ўз мол-дунёсининг, амал-эътиборининг қайтиб келишига қаттиқ ишонган одамнинг ҳаёти тасвирланади.

«Рақиб» фильмининг қаҳрамони— бизнинг замондошимиз, ёш йигит. У ҳаётда ўз ўрнини топишга қатъият билан курашади. Бугунги кунда Ҳиндистонда бу иқтисодий жиддий масала. «Рақиб» фильми Рей ижодида янгилик бўлиб қолди. Режиссёр ўзининг дастлабки асарларида мурожаат қилган мавзуни мана шу фильмда янада чуқур ва кенг планда олган.

Фильмнинг бош қаҳрамони Сидхарт деган йигитча. У оилавий аҳволига биноан медицина институтидан кетиб қолишга мажбур бўлади. Иш қидиради. Қаерга борса иш тополмай ўтирган ўзига ўхшаган ёшларни кўради. Булар эсли-ҳушли, бақувват лекин омади юришмаган ва қашшоқликдан асаблари қақшаган одамлар. Корхона раҳбарлари билан қилинган суҳбатлар эса худди сўроққа ўхшайди. Сидхарт шундай «интервью»лардан бирида ер куррасидаги ҳаётда энг муҳим нарса нима деб сўрайди. Сидхарт сингари ёшлар учун ер куррасидаги энг муҳим воқеалардан бири Вьетнамдаги урушдир. Бу фикри учун уни коммунистликда айблайдилар. Лекин Сидхарт бўш келмайди.

С. Рей бутун вужуди билан бенгалиялик бўлгани учун фильмларни ўз она тили — бенгал тилида яратган. Фақат кейинги фильми «Шахматчилар»ни ҳинд тилида яратди. Бу асар машҳур ёзувчи Мунши Премчандрс асари асосида суратга олинди. Мана шу фильми билан Рей ҳинд кинематографиясининг миллий байроқ остида бирлашувига сезиларли ҳисса қўшди.

«Шахматчилар» тарихий жанрда суратга олинган фильм С. Рей оқиллик ва киноя билан иккита ҳинд аристократи қиёфасини яратади. Улар жуда бегам, фақат шахмат ўйнаш билан овора. Бу пайтда инглиз аскарлари келиб уларнинг мамлакатини босиб олади.

Бу фильм ҳинд томошабинлари томонидан қизғин кутиб олинди. Томошабинлар уни самимият билан олқишладилар. Шу йил март ойида Ғарбий Берлинда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда ҳам бу асар намойиш қилинган. Энди «Шахматчилар» фильми V Тошкент фестивалига тақдим этилди.

Ушбу саҳифалардаги материалларни Ҳамза номидаги санъатшунослик институти кино секторининг илмий ходимлари, санъатшунослик фанлари кандидатлари Х. Н. Абдулқосимова, Р. Ю. Одилова, М. В. Зоҳидов, С. Н. Хўжаевалар тайёрлашди.



Актёр Клод Франсуа «Дўст бўламиз» (Нигер) фильмида.



«Дўст бўламиз» фильмидан кадр.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ
ТОШКЕНТ-78
КИНОФЕСТИВАЛИ
V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 1, 1978

ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИ

ҲУКМ ЭТИЛГАН АВТОБУС

Туркия Тошкент кинофестивалларида биринчи марта иштирок этаётгани йўқ. Бу мамлакат ўзининг профессионал фильмлари билан илгари ҳам Тошкент фестивалларида қатнашган эди. Тўғри, турк фильмларида кўпроқ мелодрамалар ўз аксини топади. Масалан «Гули», «Катта хонадон» ва бошқа фильмларда худди шу нарсани кўриш мумкин эди.

Турк кинематографистлари V Тошкент кинофестивалига қандай асарлар билан келишди? Бу борада аввало «Қизил дуррача» фильмини, шунингдек турк ва швейцар киночилари суратга олган «Автобус» фильмини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. «Қизил дуррача» фильми машҳур совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Қизил дуррачали сарвқоматим» асари асосида яратилган. Фильм авторлари асар сюжетини сақлаб қолган ҳолда воқеаларни Туркия мамлакатига кўчиришган. Фильмда мамлакатнинг энг машҳур актрисаси Т. Шарай бош ролни ўйнаган. Унинг маҳорати билан ижро этган роли томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Г. Закрашоннинг «Автобус» фильми ҳам ўзига хос асар. Бу асар ўзининг реализми билан, капитал оламнинг бағритошлигини ёрқин кўрсатиши билан томошабинни ҳаяжонга солади. Фильмда Ғарбий Германия чегарасига ўтиб қолган бир группа туркларнинг фожиаси тасвирланади. Улар устомон шофернинг олди-қочди гапларига ишониб яхши иш топиш ниятида ана шу «бегона мамлакат»га бориб қоладилар. Улар бахт қидириб боришган эди. Лекин умидлари алданади. Автобус шаҳар марказида узоқ тўхтаб қолади. Автобусдан чиқишга ўринган биринчи одамнинг қисмати ёқ фожиа билан тугайди. Кечаси машинадан тушган йўловчиларни полициячи тўхтатиб, ҳужжатини сўрайди. Ҳужжатсиз, оч-наҳор турклар нима қилишини билмай қолишади. Улар худди қафасга тушиб қолган ҳайвондек қисматлари нима бўлишини кутиб ўтиришади. Уларнинг атрофида эса бегона мамлакатнинг ҳаёти ўз йўли билан давом этади.

Фильмни кўрган киши «жаннатмакон» ғарб мамлакатлари ҳақидаги уйдирмалар ғирт ёлғон эканига яна бир бор ишонадилар. Ўз мамлакати қолиб ўзга ерлардан бахт топишга интилган, савияси паст кишиларнинг фожиаси мана шу тарзда ғоят ишонарли акс эттирилган. Фильм муаллифлари ватангадолар қисмати бошқаларнинг ҳам бошига тушмаслиги учун олдиндан огоҳлантириб қўйгандек бўладилар. Бу фильм ниҳоятда актуал мавзуда. Негаки, йил сайин минглаб кишилар ўз бахтини излаб бир капиталистик мамлакатдан бошқа бир капиталистик мамлакатга кетиб қолмоқда. Уларнинг кўпчилиги худди эртакларда ёзилгандек гўзал ва «жаннатмакон» юртларни ҳавас қилиб, қаттиқ адашмоқдалар. Фильмда бу нарса шунчаки бахтсизлик эмас, улкан фожиага олиб бориши аниқлиги ғоят ишонарли тасвирланган. «Автобус» фильми Тошкент кинофестивали иштирокчиларига ҳам, томошабинларига ҳам ўзининг ҳаққонияти билан манзур бўлади деб ўйлаймиз.

• Бу ерда меҳмон бўласиз

ИЛЬИЧГА УЛУҒВОР ЁДГОРЛИК

Л. ТРАНИС,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали директорининг ўринбосари.

Тошкентдаги Ленин мемориалини у очилган 1970 йил апрель ойидан бери ўтган вақт ичида 4 миллион 200 мингдан зиёд киши зиёрат қилди. Ҳозир музейда 9 мингга яқин экспонат бор. Бу ерда пролетариатнинг буюк доҳийсига бағишланган виставка мунтазам ишлаб турибди. Октябрь 60 йиллиги кунларида республикамизнинг бош музейида «Ленин, Октябрь, социализм» деб номланган катта виставка очилди. В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллиги арафасида «Меҳнаткашларнинг В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалига совғалари доимий экспозицияси янги экспонатлар билан тўлдирилди.

Музейга, Ильич ҳузурига уруш ва меҳнат ветеранлари келиб туришади, ёшлар шу ерда Ватанга садоқатлари ҳақида қасамёд қиладилар. Пойтахтимиз меҳмонлари ҳам тез-тез келишади. Аввалги кинофестивалларнинг қатнашчилари ҳам шулар жумласидан. Зиёратчилар ёзиб қолдирган дил сўзлари шулардан далолат беради.

V Халқаро киноанжуманнинг меҳмонлари музейда В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан танишадилар, республикамиз тўғрисида, унинг Совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган ютуқлари тўғрисида жуда кўп қизиқарли маълумотларни билиб оладилар. Революция доҳийсининг халқлар тақдиридаги, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари тақдиридаги роли беқиёсдир. Совет Ўзбекистони эришган ютуқлар ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин гувоҳидир.

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН САНЪАТ

Ҳ. АБДУРАЗЗОҚОВА,
амалий санъат музейининг директори.

Ўзбекистон халқ амалий санъати қадимий анъанага эга. У жуда узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган санъат намоёндаларини музейимизга келиб ундаги экспонатлар билан танишишга таклиф қиламиз. Улар бу ерда ўзбек усталарининг кўп қиррали таланти ҳақида ёрқин тушунчага эга бўлишади. Музей экспозицияларида амалий санъатнинг турли кўринишларига ўрин берилган. Жумладан, марказий залда ёғоч ва ганч ўймакорлиги бўйича тайёрланган М. Раҳимов, А. Мухторов, риштонлик усталарнинг ноёб асарлари тўпланган. Халқ усталари ҳозир ҳам гилам тўқиш, заргарлик бўйича қадимий анъаналарни давом эттиришмоқда. Музейда ўймакорлик ва керамика асарларига ҳам кенг ўрин берилган. Экспонатлар рассомларимиз қадимий санъат анъаналарини ижодий давом эттираётганликлари ва бу борада муваффақиятга эришаётганликларини кўрсатади. Бунинг учун чинни буюмлар тайёрлашни олиб кўрайлик. Республикамиз чинни маҳсулотларининг шуҳрати бугунги кунда фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет эл мамлакатларида ҳам машҳурдир. Бу борадаги эришилган ютуқлар жаҳон миқёсида тан олинган.

ҚИЗИҚАРЛИ РЕПЕРТУАР КУТМОҚДА

И. МУСАБЕКОВ,
Ҳамза номли театр директори.

Театримиз коллективи Тошкент фестивали қатнашчилари — қадрли меҳмонларни хушчақчақлик билан кутиб олади. Кино байрами кунларида кўрсатадиган спектаклларимизнинг репертуари хилма хил. Бу программани тайёрлашда биз ҳозирги драматургларнинг асарларига аҳамият бердик. Бу асарларда Ўзбекистон ҳаётининг шу хилма хил қирралари тўла очиб берилган.

Ўйлаймизки, театримизга келган меҳмонларга, тошкентликларга манзур бўлган «Тўланмаган қарз», «Бу ерда сокинлик», «Ганг дарёсининг қизи» спектакллари, барча томошабинларга манзур бўлган «Келинлар қўзғолони» комедияси маъқул бўлади. Бу асарларни ижро этиш билан театрдаги энг яхши ижодий ходимлар машғул.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

Қ. ҒУЛОМОВА,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг директори.

«Ғалаба» боғининг сўлим қўйнида жойлашган бизнинг кўргазмамиз билан танишиб чиқиш пойтахтимиз меҳмонларига Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар, республикамиз фан ва техника ҳаётида юз берган муҳим янгиликлар билан танишиш имконини беради.

Бош павильонга қўйилган экспозициялар Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилиши, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилади. Оғир саноат павильондаги экспонатлар эса республикамиз индустриясининг ривожланиши ҳақида ёрқин тасаввур беради. Кўргазмада енгил саноатда рўй берган сўнгги янгиликлар ҳам ўз ифодасини топган. Яқинда ўрмон хўжалиги, қоракўлчилик ва ғаллачилик бўлимларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу бўлимларга янги экспонатлар қўйилди.

Очиқ кўргазма майдонларида меҳмонлар ҳар хил техника билан танишишлари мумкин. Бу техникалар Ўзбекистон саноатининг маҳсулотидир. Кинолекторийда ўлкамиз, ишлаб чиқариш илғорлари, пешқадам саноат корхоналарига бағишлаб тайёрланган махсус кинопрограмма намойиш этилади. Бу ҳужжатли фильмлар республикамиз ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришлар, шу кунда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилади.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНИ ТАРИХИДАН

Пойтахтимизда ўтадиган кино учрашувларининг жуда кўп қатнашчилари рус тилини яхши билишади. Бунинг ажабланадиган ери йўқ, Чунки жуда кўп мамлакатлардаги, айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги кинематографчиларнинг аксарияти ўз вақтида Москвадаги кинематография институтини тугаллашган.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг собиқ талабалари Вьетнам ва Афғонистонда, Ироқ ва Эфиопияда, Аргентинада, Бирма, Колумбия, Куба, Жазоир, Японияда ишлашяпти.

«Багдасар хотини билан ажралишмоқда» («Арманфильм») фильмидан кадр.

«МЕЛОДИЯ»НИНГ ФЕСТИВАЛЬ ОҲАНГЛАРИ

Халқаро Тошкент кинофестивалига бағишлаб чиқариладиган пластинкалар «Салом, фестиваль» деб номланди.

Санъат саройида Бутуниттифоқ «Мелодия» Тошкент грампластинкалар уйи томонидан грампластинкалар сотиладиган махсус филиал ташкил қилинди. Фестиваль кунларида бу ерда республикамиз ва унинг пойтахти ҳақида ёзилган хилма хил қўшиқлар ёзиб олинган пластинкалар сотилади. Бу қўшиқлар орасида Т. Жалилов, ва С. Абдуллаларнинг «Менинг Ўзбекистоним», Х. Изомов ва Д. Полининаларнинг «Тошкент осмони» сингари куй ва қўшиқлар бор. Санъат шинавандалари Санъат саройига келиб ўзларига манзур бўлган ўзбек авторларининг қўшиқларини сотиб олишлари мумкин.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига СССР халқларининг куйлари манзур бўлмоқда. Грампластинкалар уйи уларга чиройли қилиб безатилган ва ҳар хил қўшиқлар ёзиб олинган грампластинкаларни таклиф қилади.

Фестиваль кунларида Давид Тухманов, Рамз Бобожон ва Лев Ошанинларнинг «Шарқ юлдузи» қўшиғи ёзиб олинган пластинкалар савдога чиқарилади.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида ҳам грампластинкалар сотиш билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил қилинди. Бу ерда фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига манзур бўлган қўшиқлар, куйлар, ёзиб олинган пластинкалар сотилади.

Магазинлардаги музика маҳсулотлари сотиладиган бўлимларнинг хизматлари ҳам бирмунча яхшиланади. Бу ерлардан шаҳримизга меҳмон бўлиб келган фестиваль қатнашчилари ўзбек халқ куйлари, Россия, мамлакатимизнинг бошқа республикалари куйлари. ССР Иттифоқи санъат усталари ижро этган классик асарлар, эстрада музикалари ёзилган пластинкаларни сотиб олишлари мумкин.

ҚОРА ДЕНГИЗДАН ТИНЧ ОКЕАНГАЧА

РСФСР, ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ, ҚОЗОҒИСТОН ВА ЗАКАВКАЗЬЕ РЕСПУБЛИКАЛАРИ СТУДИЯЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

◆ **«ГРУЗИЯФИЛЬМ».** Бу ерда оператор Александр Дигмелов 1910 йилдаёқ тўнғич фильмни суратга олганди. Биринчи бадиий фильм эса 1919 йилда яратилди. Бу Александр Цуцунаванинг «Христиэн» фильми эди. Иван Перестиани, Амо Бекназаров, Захари Беришвили, Георгий Макаров сингарилар дастлабки грузин фильмларининг яратувчилари ҳисобланади. Бу ерда фильмнинг тараққий этишига адабиёт ва театр катта ҳисса қўшди. Грузин фильмининг жаҳонга машҳур қилган асарлар орасида Иван Перестианининг «Қизил шайтончалар», Николай Шенгелайнинг «Элисо», Михаил Калатозовнинг «Сванети тузи», Михаил Чиаурелининг «Хабарда» фильмлари бор. Овозли фильмлар орасида эса Сико Долидзенинг «Салб юришининг охири», Георгий Манаровнинг «Жужуна сепи» ҳамда «Яқин орада учрашгунча», Михаил Чиарелининг «Арсен» фильмлари катта шуҳрат қозонди.

◆ **«УЗБЕКФИЛЬМ».** Бу ерда биринчи марта 1879 йилдаёқ фильм намойиш қилинганди. Миллий фильмлар ишлаб чиқариш Октябрь революциясидан кейин бошланди. Утган йиллар ичида Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Сулаймон Хўжаев, Малик Қаюмов сингари улкан киноарбоблари етишиб чиқишди. Уруш йиллари Тошкентда бошқа студияларнинг кино усталари томонидан Леонид Луковнинг «Александр Пархоменков», «Икки жангчи», Яков Протазановнинг «Насриддин Бухорода» сингари фильмлари яратилди. Бу режиссёрнинг ижоди миллий ўзбек театрларининг ўсишида ҳам катта роль ўйнади. Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зуҳра», Комил Ёрматовнинг «Алишер Навоий» фильми ва «Осиё устида бўрон», Инқилоб чавандозлари», «Қора консулнинг ҳалокати» трилогияси, Латиф Файзиевнинг «Улуғбек юлдузи», Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан», «Тошкент нон шаҳри» асарлари, Элёр Эшмуҳамедовнинг «Нафосат» ва «Севишганлар», Али Ҳамроевнинг «Фавқулодда комиссар» фильмлари шуҳрат қозонди.

◆ **«ОЗАРБАЙЖОНФИЛЬМ»** Бу ерда Октябрь революциясига қадар тўнғич фильмлар суратга олинган эди. 1916 йили «Нефть ва миллионлар салтанати» фильми экранга чиқди. 1917 йилда эса Узиер Гаджибековнинг «Аршин мол-алон» фильми илк бор экранлаштирилди. Кейинчалик ана шу музикали комедия асосида икки марта овозли фильм яратилди.

Урушдан кейинги йилларда яратилган фильмлар орасида Аждар Иброҳимовнинг «Бир кварталда турадиган икки киши», Товфиқ Тоғизоданинг «Олис соҳилларда», «Менинг етти ўғлим», Ҳасан Сайдбейлининг «Шундай орол бор», Шомил Маҳмудбековнинг «Насиба баробар бўлинади» фильмлари диққатга сазовор.

◆ **«АРМАНФИЛЬМ».** Бу ерда дастлабки фильм 1907 йили суратга олинди. Кекса авлод режиссёрлари орасида Амо Бекназаровнинг номи машҳур. У «Номус», «Пэпо» ва бошқа фильмларни яратди. Асримизнинг 60 йилларига келиб арман киносида янги тенденциялар пайдо бўлди. Стефан Кеворков ва Эразм Карамяннинг «Шахсан маълум», «Фавқулодда топшириқ» асарлари, Генрих Маляннинг «Учбурчак», Фрунзе Довлатяннинг «Салом, бу мен!», Хорен Абрамен ва Аркадий Айрапетяннинг «Ака—ука Саролнлар» фильмлари муваффақиятли асарлар ҳисобланади.

◆ **«ҚОЗОҚФИЛЬМ».** 1928 йили «Востоккино» ташкилоти Қозоғистонда кино ишлаб чиқара бошлайди. 1929 йили режиссёр Виктор Турин «Турксиб» фильмини суратга олади. Бу энг яхши совет фильмларидан бири эди. Уруш йилларида «Мосфильм» ва «Ленфильм» студиялари Олмаотага эвакуация қилинади. Бу ерда Всеволод Пудовкин «Қотиллар йўлга чиқди», Фридрих Эрмлер «У Ватанини ҳимоя қилади», Сергей Эйзенштейн «Иван Грозний», Григорий Рошаль «Абай қўшиқлари», Ефим Дзиган «Жамбул» фильмларини суратга олади. Кейинги йилларда миллий кино арбоблари етишди. Шакен Аймановнинг «Чорраҳа», «Оталар юрти», «Атаманнинг тугатилиши», Александр Карповнинг «Она қасидаси» асарлари муваффақиятли бўлди.

◆ **«ҚИРҒИЗФИЛЬМ».** Бу ерда кино ишлаб чиқариш 30 йилларнинг охирларида йўлга қўйилди. Хроника мухбирлик пункти кино тараққиёти учун база бўлиб хизмат қилди. 50—60 йилларда студия рус кино усталари билан биргаликда «Салтанат», «Саратон», «Жамила» фильмлари яратилди. Қирғиз бадиий кинематографиясининг ташкил топишида ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ҳиссаси катта бўлди. Кейинги йилларда Геннадий Базаров «Момо ер», Толомуш Океев «Болалигимиз осмони», «Оловга таъзим қил», Болот Шамсиев «Қараш давонида отилган ўқ», «Иссиқкўл қизғалдоқлари» ва бошқа фильмларини яратди.

◆ **«ТОЖИКФИЛЬМ».** Бу ерда биринчи киножурнал 1929 йили суратга олинган эди. Тожик киносининг дунёга келишида уруш пайтида Душанбага эвакуация қилинган «Союздетфильм» киностудияси усталарининг ҳиссаси катта бўлди. Тожик кино санъаткорлари яратган асарлар орасида Борис Кимёгаров яратган «Ҳасан аравакаш», «Рустам ҳақида достон», «Рустам ва Суҳроб» фильмлари, Абдусалом Раҳимов ва Александр Давирсоннинг «Зумрад», Владимир Мотилнинг «Помир болалари», Тоҳир Собировнинг «Фош этиш», Маргарита Қосимованинг «Жўра саркор» асарлари диққатга сазовор.

◆ **«ТУРКМАНФИЛЬМ».** Тўнғич туркман киноси 1929 йил яратилди. Уруш пайтида Ашхабодга эвикуация қилинган Украина кино ижодкорлари туркман киносанъатининг тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. 1948 йили Ашхобод зилзиласи пайтида Туркман киносининг базаси вайрон бўлди. Уни қайтадан ташкил қилишга тўғри келди. 1949 йили Евгений Иванов — Барковнинг «Олисдаги келин» фильми яратилди.

Кейинги йилларда дунёга келган асарлар орасида Олти Қорлиевнинг «Дадил қадам» ва «Махтумқули» асарлари, Меред Отахоновнинг «Дашқалъада рўй берган ҳодиса», Бўлат Мансуровнинг «Мусобақа» ҳамда «Чўри», Хўжақул Норлиевнинг «Келин» асарлари шуҳрат қозонди.

◆ **РСФСР КИНОСТУДИЯСИ.** Россия Федерациясида бир қанча киностудиялар бор. «Мосфильм», «Ленфильм», Горький номидаги студия, болалар марказий фильм студияси, Свердловск киностудияси кўпчиликка маълум. Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шарқ студияларида кўпгина хроникал ҳужжатлиленталар яратилган. Фестиваль кунларида ана шу фильмлар ҳам намойиш қилинади.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг сиёсий билимлар Уйида 24 май соат 17.00 да ўзбек тилида халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш бўйича курсларда якунловчи машғулотлар ўтказилади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 23/V да **Майсаранинг иши,** 24/V **Севги тумори** (билетлар сотилган), 25/V да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/V да **Кўрмайин босдим тиконни,** 24/Vда **Келинлар қўзғолони,** 25/V да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Ҳижрон,** 25, 26/V да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

КИНО

23 МАЙДА
ҚИШКИ БИНОДА

Тақдир — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.40).

Шум бола— «МОСКВА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Сув ости салтанатининг маликаси— «ХИВА» (20.30).

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДА

(4-қаватда)
23-26 МАЙ КУНЛАРИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган рўмолларнинг

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида штапель, крепдешин, сунъий ипак ва «Гвоздика» газламасидан тикилган рўмоллар намойиш қилинади. Улар ҳар хил гулли бўлиб албатта Сизга манзур бўлади.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Тошкент Бош универмаги соат 9.00 дан 20.00 гача ишлашини эслатиб ўтамиз.

ГУМ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

23 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жасорат»нинг дала почтаси». 19.15 «Мойчечаклар гуллайверсин». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Болгария). 20.10 С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган учинчи концерт. 20.40 «Ҳамиша халқ билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб сафари ҳақида. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 22.45 В. Захаров қўшиқларини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 23.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.30 «Мен оламни кўряпман». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. 20.00 «Менинг Ўзбекистоним», «Тошкент — марказ». Телевизион ҳужжатли фильмлар («Ўзбектелефильм»). 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 Москва. «Ҳамиша халқ билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб сафари ҳақида. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концерти. 23.15 Самбо кураши бўйича «Динамо» Марказий Советининг Бутуниттифоқ мусобақалари. Армия спорт клуби залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Антоний ва Клеопатра». Телевизион фильм-концерт. 21.05 Ўқитувчилар учун консультация. 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

24 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Турнахон». Бадиий фильм. 11.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Чегара ва вақт». Ҳужжатли фильм. 15.50 «Спортчилар класси». 16.45 «Поэзия». В. Корнилов. «Менинг Африкам». 17.30 «Фан оламида».

18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ ноталар». 19.00 «Учинчи йил — зарбдор йил». Кўрсатувда КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Л. А. Горшков иштирок этади. 19.45 «Эскирган комедия». В. Маяковский номли Москва академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — А. Арбузов. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—«Спортлото» тиражи. 23.45 «Оризонт» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 00.05 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.30 «Кўплаб сифатли ва хилма-хил товарлар етказиб берайлик» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатга коммунистик муносабат». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.10 «Қалбда баҳор». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 22.15 «Номаълум актёр ҳақида қисса». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Боболар ери». Бадиий фильм. 20.25 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—07601. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1315.